

Документ подписан:

дата: 2025.07.08 18:38:29
серийный номер: 78a17ff3
компания: O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI PREZIDENTI
ADMINISTRATSIYASI HUZURIDAGI IQTISODIY TADQ
ИНН: 202922278
фамилия: XAKIMOV OBID
email: [email](#):

дата: 2025.07.09 08:35:02
серийный номер: 7853b7b1
компания: XALQARO VESTMINSTER UNIVERSITETI
ИНН: 204065852
фамилия: KARIMOV KAMILJON
email: [email](#):



11f05c00cf34e02840d1e0008000075

идентификатор электронного документа

Договор

ПРОТОКОЛ ПОДПИСАНИЯ ДОКУМЕНТА

Поставщик	O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI PREZIDENTI ADMINISTRATSIYASI HUZURIDAGI IQTISODIY TADQ	Покупатель:	"TOSHKENT SHAHRIDAGI XALQARO VESTMINSTER UNIVERSITETI" NTM
ИНН	202922278	ИНН	204065852
Адрес	ул Новза 6	Адрес	ISTIQBOL KO`CHASI 12-UY

Информация о документе

Название документа	договор
Номер и дата документа	№ 3 от 07.07.2025
По договору	№ 3 от 07.07.2025

ШАРТНОМА № 3

Тошкент ш.

«7» июль 2025 й.

Тошкент шаҳридаги Халқаро Вестминстер Университети, кейинги ўринларда “Буюртмачи”, номидан университет Ректори Каримов К.Х., бир томондан, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси хузуридаги Иқтисодий тадқиқотлар ва ислоҳотлар маркази, кейинги ўринларда “Ижрочи”, номидан Низом асосида иш олиб борувчи Директор Ҳакимов О.А., иккинчи томондан, биргалиқда “Томонлар” деб юритилди, ушбу шартномани (кейинги ўринларда - “Шартнома”) қўйидагилар тўғрисида туздилар:

1. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

1.1. Ушбу шартномага асосан Ижрочи Буюртмачининг буюртмасига биноан 1 – илова қўрсатилган техник топшириқка асосан хизматларни шартномада белгиланган тартибда бажариш (бундан бўён матнда “хизматлар” деб юритилади), Буюртмачи эса хизматларни қабул қилиш ва ушбу хизматлар учун ҳақ тўлаш мажбуриятини олади.

1.2. Хизматлар Буюртмачи ёки унинг ваколатли вакили томонидан қабул қилиш далолатномаси имзолангандан кейингина қўрсатилган хисобланади.

1.3. Хизматларни қўрсатиш муддати 1 – иловада қўрсатилгаёт техник топшириқка асосан белгиланган.

2. ШАРТНОМА НАРХИ ВА ТЎЛОВ ТАРТИБИ

2.1. Шартноманинг нархи **50 000 000,00** (эллик миллион) сўм (барча солиқларни ўз ичига олган ҳолда).

2.2. Тўлов 50% олдиндан тўлов тартибида – **25 000 000,00** (йигирма беш миллион) сўм, шартнома имзолангандан пайтдан бошлаб, Ижрочи томоннинг шахсий хисоб рақамига пул маблағларини ўтказиш йўли билан амалга оширилади. Ўтказмалар Ўзбекистон Республикаси Молия вазирилиги Фазначилигининг ОПЕРУ бошқармасидаги № 400110860262947048110066001 хисоб рақамига, 10 (үн) иш куни ичидан амалга оширилади.

Қолган суммани Буюртмачи бажарилган ишлар далолатномаси имзолангандан ва хисоб-фактура олингандан сўнг 5 (беш) иш куни ичидан ўтказишга мажбур.

2.3. Ижрочи ишлар якунланганидан сўнг 5 (беш) кун ичидан Буюртмачига бажарилган ишлар далолатномаси ҳамда белгиланган шаклдаги хисоб-фактурани электрон шаклда юборишга мажбур.

3. ТАРАФЛАРНИНГ ҲУҶУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

3.1. Ижрочи қўйидагиларни ўз зиммасига олади:

3.1.1. Шартнома шартларига ва Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги нормаларига мувофиқ хизматлар қўрсатиш.

3.1.2. Ижрочи ўрганишни ва/ёки унинг алоҳида босқичларини мустақил равишда ва/ёки учинчи шахсларни жалб қилган ҳолда ўтказишга ҳақли. Ижрочи ўзи жалб қилган шахсларнинг хатти-ҳаракатлари учун тенг жавобгардир.


3.1.3. Буюртмачининг асосли изоҳларида қўрсатилган камчиликларни ўз хисобидан бартараф қилиши.

3.1.4. Хизматларни тақдим этиш тугаллангандан сўнг. Хизматни қабул қилиш далолатномасини имзолаш учун Буюртмачига топшириши.

3.1.5. Шартнома шартларининг махфийлигини сақлаш.

3.2. Буюртмачи қўйидагиларни ўз зиммасига олади:

3.2.1. Ижрочи хизматларининг нархини Шартномада ёки Техник топширикда белгиланган муддатларда, миқдорларда ва тартибда тўлаш.



3.2.2. Ижрочининг ҳисобот материалларида кўрсатилган маълумотлар ва хуносаларни бузиб кўрсатмаслик. Ҳисобот материалларида кўрсатилган маълумотлардан тўлиқ ёки қисман фойдаланилганда, Ижрочига ҳавола қилиш.

3.2.3. Прессрелизни жойлаштириш (эълон қилиш) ёки оммавий ахборот воситаларига юборишидан олдин ёзма равища унинг матнини Ижрочи билан келишиб олиш.

3.2.4. Шартнома шартларининг махфийлигини сақлаш.

3.2.5. Ижрочи томонидан ишлаб чиқилган сўровномага розилжак билдириш.

3.2.6. Тақдим этилган материалларни қабул қилиш.

3.2.7. Ишлар натижаси бўйича топшириш-қабул қилиш далолатномасини имзолаш.

4. ҚАБУЛ ҚИЛИШ-ТОПШИРИШ ТАРТИБИ

4.1. Ижрочи Буюртмачига хизматлар якунлангач 5 (беш) иш куни ичидаги 2 (икки) асл нусхада тузилган ва унинг томонидан имзоланган кўрсатилган хизматларни қабул қилиш-топшириш далолатномасини, шунингдек ҳисобот материаллари, тәхник топширикни мазкур шартномада белгиланган форматда тақдим этади.

4.2. Буюртмачи, Ижроидан хизматларни қабул қилиш-топшириш далолатномасини олган кундан бошлаб 10 (үн) иш куни ичидаги, хизматлар бўйича эътиrozлар бўлмаган тақдирда, ўз томонидан хизматни қабул қилиш-топшириш далолатномасини имзолаши ва қабул қилиш-топшириш далолатномасининг бир нусхасини Ижрочига топшириши шарт.

4.3. Агар асослантирилган эътиrozлар мавжуд бўлса, Буюртмачи шартноманинг 4.2.-бандида белгиланган муддатда камчиликларни бартараф этиш тўғрисида камчиликлар рўйхатини кўрсатган ҳолда Ижрочига юборади. Ижрочи асосли изоҳлар олинган кундан бошлаб 10 (үн) иш кунидан кўп бўлмаган муддатда Буюртмачининг асослантириб кўрсатилган камчиликларини ўз ҳисобидан бартараф этади ва Буюртмачига хизматларни қабул қилиш-топшириш далолатномасини қайта юборади.

4.4. Буюртмачи мазкур шартномада кўрсатилган муддатларда қабул қилиш-топшириш далолатномасини имзоламаса ёки асосли эътиrozларни юбормаган бўлса, қабул қилиш-топшириш далолатномаси Буюртмачи томонидан имзоланган деб ҳисобланади ва ҳисобот материаллари тақдим этилган куни хизматлар тегишли сифатда тақдим этилган деб ҳисобланади.

4.5. Шартнома бўйича хизматлар Буюртмачи томонидан қабул қилиш-топшириш далолатномаси имзоланган пайтдан бошлаб лозим даражада кўрсатилган ҳисобланади.

5. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

5.1. Ижрочи ушбу шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажармаган тақдирда, Буюртмачига бажарилмаган қисмининг ҳар бир кечикирилган куни учун 0,5 фоизи микдорида, лекин мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 50 фоизидан кўп бўлмаган микдорда пеня тўлайди.

5.2. Кўрсатилган хизматлар (ишлар) учун тўловлар ўз вақтида амалга оширилмаган тақдирда, Буюртмачи Ижроичига кечикирилган ҳар бир кун учун муддати ўтказиб юборилган тўлов суммасининг 0,5 фоизи микдорида, лекин муддати ўтган тўлов суммасининг 50 фоизидан кўп бўлмаган микдорда пеня тўлайди.

5.3. Кўрсатилган хизматлар 1-иловада кўрсатилган техник топширикка мос келмаса Ижрочи хизматлар қийматининг 20% микдорида жарима тўлайди.

Бунда, жарима суммаси Ижрочининг барча ҳисоб ва рақлашибдан хизматлар сифати ва ассортименти талаб даражасида эмаслиги тўғрисида тузилган далолатномага асосан акцептсиз равища ундириб олинади.

5.4. Муддатини ўтказиб юбориш ёки шартнома мажбуриятларини узгача тарзда лозим даражада бажармаслик ҳоллари учун белгиланган неустойканий (жаримани, пеняни), тўлаш ҳамда шартнома мажбуриятларини лозим даражада



зарарнинг ўрнини қоплаш, тарафларни мажбуриятни асл ҳолида бажаришдан озод этмайди, қонунчиликда ва шартномада назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

6. ФОРС-МАЖОР

6.1. Агар шартнома имзолангандан сўнг, тарафларнинг эрки ва истагига боғлиқ бўлмаган ҳамда олдиндан кўра билиш ёки олдини олиб бўлмайдиган, фавқулодда вазиятлар оқибатидаги енгиб бўлмас куч мавжуд бўлган тақдирда тарафлар мазкур шартнома бўйича олган мажбуриятларини қисман ёки тўлиқ бажара олмасалар (форс-мажор), бунинг учун улар жавобгар бўлмайдилар.

6.2. Куйидагилар фавқулодда вазиятлар (форс-мажор) бўлиб хисобланади: сув тошқини, ёнгин, зилзила, портлаш, бўрон, ер кўчкиси, эпидемия ва бошқа табият ҳодисалари, уруш ёки ҳарбий ҳаракатлар, фуқаролик тартибсизликлари, террорчилик ҳаракатлари.

6.3. Форс-мажор ҳолатлари юзага келганда мажбуриятлар бажариш муддати бундай ҳолатлар ва уларнинг оқибатлари давом этган вақтга мутаносиб рағибда кечикирилади.

6.4. Тарафлар форс-мажор ҳолатлари вужудга келганлиги ва тугаганлиги ҳақида зудлик билан ёзма равишда бир-бирларини хабардор килишлари лозим.

6.5. Форс-мажор ҳолатига асосланоётган тараф, ваколатли давлат идорасининг бундай ҳолатларни вужудга келганлигини тасдиқловчи тегишли хужжатини тақдим этиши шарт.

7. КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ ШАРТЛАР

7.1. Тарафлар ушбу шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бежараётганда уларнинг ҳар бири ўз фаолиятида коррупцион ҳаракатларни тўлиқ тақиқлаш ва ҳар қандай шаклда ёрдам (бевосита ёки билвосита), шу жумладан пул маблағлари, қимматбахо буюмлар, бошқа мол-мулк ёки мулкий характердаги хизматлар, бошқа мулкий ҳукуқларни олиш/бериш, муайян масалаларни тезроқ ҳал қилишни таъминлаш, маъмурий ва бошқа тартиб-қоидаларни соддалаштириш., рақобат ва бошқа афзалликларни таъминлашни тўлиқ рад этади. Томонлар ўз фаолиятида амалдаги қонунчилик, шунингдек унинг асосида ишлаб чиқилган коррупцияга қарши курашишга қаратилган сиёsat ва тартиб (агар мавжуд бўлса) талабларига амал қиласидилар.

7.2. Тарафлар ушбу шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажариш чоғида на ўзлари, на ижроия органи, на уларнинг мансабдор шахслари ёки ходимлари бирон-бир шахсларга (жумладан, жисмоний шахслар, тижорат ташкилотлари ва давлат мансабдор шахслари) коррупцион тўловларни тақдим этишини таклиф қилмаслигини, тақдим этмаслигини, розилик бермаслигини, шунингдек ҳар қандай шахсдан (тўғридан-тўғри ёки билвосита) ҳар қандай коррупцион тўловларни олишга ёки қабул қилишга рози бўлмасликларини кафолатлайди.

7.3. Мазкур бўлимнинг бирон бир шартлари бузилган тақдирда, тегишли тараф бошқа тарафни бундай бузилиш содир бўлган кундан бошлаб 5 (беш) иш куни ичida ёзма равишда хабардор қилиш мажбуриятини олади. Тараф ёзма хабарномада ушбу бўлимнинг қайси бир қоидалари бузилганлигини тасдиқловчи ишончли фактлар ва материалларни тақдим қилиши шарт.

7.4. Ушбу бўлим қоидалари тарафлардан бири томонидан бузилганлиги далолатномаси тасдиқланганда ва/ёки бошқа тарафнинг қоидабузарликларни кўриб чиқиш ҳақида хабарнома натижалари юзасидан маълумот тақдим қилмаган тақдирда, бошқа тараф шартномани бир тарафлама қисман ёки тўлиқ бекор қилишга ҳақли.

7.5. Мазкур шартномани коррупцияга қарши шартларга асосланиб бекор қилган тараф, бундай бекор қилиш натижасида етказилган ҳақиқий зарарни талаб қилишга ҳақли. Заарларни қоплаш тарафлар томонидан ёзма равишда тасдиқланган далолатномаси белгиланган муддат ва миқдорда амалга оширилади.



8. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЕТИШ ТАРТИБИ

8.1. Ушбу шартномани бажаришда юзага келиши мумкин бўлган низо ва келишмовчиликлар томонлар ўртасидаги музокаралар орқали ҳал қилинади.

8.2. Агар бу низо ва келишмовчиликлар музокаралар йўли билан ҳал етилмаса, низо Тошкент туманлараро иқтисодий судида Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ ҳал етилади.

9. БОШҚА ҚОИДА ВА ШАРТЛАР

9.1. Мазкур шартнома тарафлар томонидан имзоланган пайтдан бошлаб кучга киради ва томонлар шартномада белгиланган ўз мажбуриятларини тўлиқ бежаргунларига қадар амал қиласди.

9.2. Мазкур шартнома томонларнинг ёзма келишувига кўра бекор қилиниши мумкин.

9.3. Ушбу шартномага ҳар қандай ўзгартириш ва қўшимчалар ёзма равишда киритилиб, тарафларнинг ваколатли вакиллари томонидан имзолангандан бошлаб амал қиласди.

9.4. Шартномада назарда тутилмаган бошқа барча масалалар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига кўра ҳал этилади.

9.5. Ушбу шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган икки асл нусхада, томонларнинг ҳар бири учун бир нусхада тузилади.

9.6. Шартномага 1-илова (техник топшириқ) илова қилинади ва унинг ажralmas қисми хисобланади:

ТОМОНЛАРНИНГ МАНЗИЛЛАРИ ВА БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ

Буюртмачи:

«TOSHKENT SHAHRIDAGI XALQARO
VESTMINSTER UNIVERSITETI» HTM

Тошкент ш., Миробод тумани,
Истиқбол кўчаси, 12-уй.
x/p: 20296000404189355001
АКБ «InFinBank»
МФО: 01041 СТИР: 204065852
ОКЭД 85420
Тел: +998 (71) 238-74-00

Ижрочи:

Ўзбекистон Республикаси Президенти
Администрацияси ҳузуридаги Иқтисодий
тадқиқотлар ва ислоҳотлар маркази

Тошкент ш., Чилонзор тумани,
Новза кўчаси, 6-уй.
СТИР: 202922278, ОКЭД: 72190
МФО: 00014
Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги
Ғазначилигининг ОПЕРУ бошқармасидаги
№ 400110860262947048110066001 ҳисоб
раками
СТИР: 201122919 РКЦГУЦБ РУз

Ректор

К. Х. Каримов



О.А.Хакимов



«7» июль 2025 йилдагги
3-сонли шартномага илова

**Кичик ва ўрта бизнес корхоналари ўртасида ташкил этиладиган сўровнома бўйича
кўрсатиладиган хизматлар
ТЕХНИК ТОПШИРИГИ**

1. Кўрсатиладиган хизмат номи

Кичик ва ўрта бизнес корхоналари ўртасида сўровнома ташкил этиш.

2. Хизмат (Структуравий сўровнома) қамрови:

Сўровномада ишлаб чиқариш корхоналари қамраб олинади ва жами 210 та муввафқиятли анкета таъминланади ва худудлар кесимида қуидагича тақсимланади:

- Тошкент вилояти – 70 та;
- Самарқанд вилояти – 70 та;
- Наманган вилояти – 70 та.

Корхоналар бўйича танланма тури соҳалар, мулкчилик шакли, корхоналар ёши бўйича репрезентативлик таъминланади.

3. Сўровномани ўтказиш тартиби:

- Сўровнома саволлари ТХВУ этик экспертиза кенгаши томонидан маъқулланган;
- Сўровнома буюртмачи томонидан тақдим этилган саволнома асосида ўтказилади;
- Сўровнома корхонанинг эгаси, унинг бошқарувчиси ёки тегишли вакиллари билан юзма-юз интервью кўринишида ташкиллаштирилади;
- Хар бир сўровдан олдин розилик шакли тўлдирилади;
- Жавоблар электрон воситалар орқали аниқ киритилади;
- Маълумотлар сифат назорати текширувлари билан тасдиқланади.

4. Хизматни тақдим этиш шакли: Сўровнома якуни бўйича олинган натижалар Excel форматида етказилади.

5. Амалга ошириш муддати: шартнома имзоланган кундан бошлаб 60 календарь куни.

Ректор

/ К. X. Каримов

Директор

/ О.А.Хакимов.

